ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

АБДУЛҲАҚОВ ЯХЁЖОН АРТИКБОЕВИЧ

ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК: 334.75 (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Абдулҳақов Яхёжон Артикбаевич
Одам савдоси жиноятларини тергов қилиш хусусиятлари 3

Абдулхаков Яхёжон Артикбаевич
Особенности расследования торговли людьми..... 21

Abdulhaqov Yahyojon Artikbaevich
Peculiarities of the investigation of human trafficking..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….…….…….…….…….. 41

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

АБДУЛҲАҚОВ ЯХЁЖОН АРТИКБОЕВИЧ

ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Yu51 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Миразов Даврон Мирагзамович** юридик фанлар доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна** юридик фанлар доктори, профессор
	Саидов Бахром Анварович юридик фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ тарқатилди.

(2019 йил «___» _____даги __ рақамли реестр баённомаси).

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори

А.С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

М.З. Зиёдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

А.Г. Закирова

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда одам савдоси кенг тарқалиб бораётган, шахс дахлсизлиги, озодлиги ва эркинлигига, жамиятнинг маънавий негизлари ва инсониятнинг хавфсизлигига таҳдид солаётган, ижтимоий хавфи кескин ортиб, трансмиллий ва трансчегаравий хусусият касб этаётган жиноят сифатида тавсифланмоқда. Халқаро ҳамжамият томонидан комплекс чора-тадбирлар қўлланилаётганига қарамай, мазкур жиноятнинг уюшган гуруҳлар томонидан содир этилиши кўпайиб, латентлик даражаси ошиб бормоқда. Одам савдоси жабрланувчиларини ҳимоялаш механизмлари етарли ривожланмагани боис ушбу жиноятга қарши курашиш халқаро муаммога айланмоқда. Жумладан, статистик маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда одам савдоси жабрдийдаларининг 64 фоизи меҳнат эксплуатациясига дучор этилган бўлса, 9 фоизидан шаҳвоний мақсадларда фойдаланилган, қолганлари эса бошқа шакллардаги қулликка дучор этилган, жабрдийдаларнинг 71 фоизини аёллар ва қизлар, 29 фоизини эса эркаклар ва ўғил болалар ташкил этган[1].

Жаҳонда одам савдоси жиноятларини тергов қилишни такомиллаштириш, жумладан, терговга қадар текширув ўтказиш, далилларни аниқлаш ва тўплашда замонавий технологиялар, исботлашнинг янги тактик усул ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш усулларини янада ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада одам савдосининг криминалистик тавсифини шакллантириш ва такомиллаштириш, жиноят содир этган шахсларнинг айбини исботлаш имкониятларини кенгайтириш, жабрдийдаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ миллий қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган назарий ва амалий муаммоларнинг ечимини топиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда одам савдоси жиноятлари жабрдийдаларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш, жиноят ишларини тергов қилиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни кучайтириш»[2] вазифаси белгиланган. Бу эса одам савдоси жиноятини бир неча босқичда содир этиладиган, кенг тарқалаётган, трансмиллий ва трансчегаравий хусусиятга эга ижтимоий хавфли қилмиш сифатида ўрганиш, уни тергов қилиш хусусиятларини чуқур тадқиқ этиш, амалдаги қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш, бу борадаги ҳамкорликни тизимлаштириш, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш механизмини янада такомиллаштиришга қаратилган

[1] Всемирный доклад о торговле людьми Управления ООН по наркотикам и преступности // http:www.un.org/documents-dds/UNDOC/GEN/N2521953.pdf; Toolkit to Combat Trafficking in Persons.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-иловаси 2.4-банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. №6. 70-модда.

комплекс илмий тадқиқотлар ўтказишни тақозо этмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияси (1950), «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция (2000) ҳамда «Одам савдоси, айниқса аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»ги Протокол (1997), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрелдаги ЎРҚ-154-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сон фармонлари ҳамда 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон Қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Одам савдоси жиноятларига қарши курашиш мазкур соҳа мутахассисларининг доимий диққат марказида бўлиб келаётган масаладир. Ушбу йўналишда қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, уларда «одам савдоси» тушунчасига таърифлар берилган, бу турдаги жиноятларни квалификация қилиш, бошқа турдош жиноятлардан фарқлаш, суд-тергов амалиёти учун услубий тавсиялар берилган.

Жумладан, мазкур мавзуни тадқиқ этиш жараёнида республикамиз олимларидан Ғ. Абдумажидов – одам савдосининг ижтимоий хавфи ва оқибатларини, З. Х. Гулямов ва Р. Кабулов – одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жинояти ва уни квалификация қилиш хусусиятларини, М. Х. Рустамбоев – Ўзбекистон Республикасида одам савдоси учун жиноий жавобгарлик масалаларини, М. А. Ражабова – одам савдосига оид қонунчилик ва жавобгарлик масалаларини, А. О. Шарафутдинов – одамларни шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда ёллаш, одамлар трафиги билан боғлиқ муаммоларни, Ҳ. Ш. Хамраева – аёллар трафигини бартараф этишнинг халқаро ҳуқуқий муаммоларини, Қ. Р. Абдурасулова – аёллар жиноятчилигининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини, Н. Б. Қурбонов – одамлардан фойдаланиш учун ёллаш жиноятида

жавобгарлик масалаларини, И. Ю. Фазилов – одам савдосига қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини, Г. А. Маткаримова – трансмиллий уюшган жиноятчилик сифатида одамлар трафигининг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини, Ж.Неъматов – Ўзбекистон Республикасида ноқонуний миграциянинг муаммолари ва одам савдосининг криминологик ҳолатини, А. С. Якубов эса шундай жиноятларнинг сабабларини тадқиқ этганлар.

Бундан ташқари, чет эл олимларидан Anthony DiStefano, Bales Kevin, Yvonne C. Zimmerman, N. Matiada, K. Maltzahn, M. Mann, K. Siddharth, R. Parrenas, Louise I Shelley, Chin Kolin, Hepburn Stephanie, МДҲ мамлакатлари олимларидан В. В. Агафонов, Д. И. Астапкин, М. Ю. Буряк, Е. В. Евстифеева, Л. Д. Ерохина, С. Ю. Журавлев, Ю. А. Кармазин, А. Н. Красиков, В. В. Лунев, Е. Б. Мизулин, А. М. Пигаев, Ф. Л. Синицын, С. В. Шамков, И. Ч. Шушкевич ва бошқаларнинг уюшган жиноятчилик ва одам савдосига қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий, криминологик ва криминалистик жиҳатларига бағишланган илмий ишларида бу жиноятга қарши курашишнинг турли масалаларига эътибор берилган[1].

Шубҳасизки, номлари зикр этилган муаллифлар одам садосига қарши курашнинг турли жиҳатларини тадқиқ этганлар. Шу билан бирга, уларнинг илмий ишларида одам савдосига қарши курашнинг айрим жиҳатларигина ёритилганлиги ва ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишнинг хусусиятлари илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилмаганлиги мазкур муаммо бўйича чуқур ва мустақил комплекс тавсифга эга тадқиқот ўтказилишини талаб қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» илмий-тадқиқот ишининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган (2016–2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади – одам савдоси жиноятларини тергов қилиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

одам савдосига қарши курашнинг ижтимоий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш, мазкур жиноятларни криминалистик жиҳатдан тавсифлаш ва ҳуқуқий таҳлил қилиш;

одам савдосига қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши ва хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш;

одам савдоси тўғрисидаги ариза ва хабарлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш ва жиноят иши қўзғатишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

[1] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

одам савдосига юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича типик тергов вазиятлари ва аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини, тергов тусмоллари ишлаб чиқилиши ва дастлабки тергов йўналишларини белгилаш масалаларини ўрганиш;

одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича бирламчи ва келгуси тергов ҳаракатларини ўтказиш хусусиятларини ёритиш;

терговчининг одам савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиши хусусиятларини аниқлаштириш, шунингдек мазкур жиноятларни тергов қилишда хорижий давлатлардаги ваколатли мҳалқаро чеҳалқаро чеуассасалари билан ҳамкорлиги масалаларини ёритиш;

терговчи томонидан қўлланиладиган одам савдосини олдини олишга қаратилган ҳуқуқий ва процессуал чораларни қўллашни ҳамда уларни тергов қилишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – одам савдоси жиноятларини тергов қилиш билан боғлиқ жиноят-процессуал муносабатлар.

Тадқиқотнинг предметини одам савдоси жиноятларини тергов қилишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастлабки тергов органларининг уларни қўллаш бўйича фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб бориш жараёнида илмий билишнинг тарихийлик, мантиқий-юридик, формал, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик усулларидан, шунингдек социологик сўровлар ўтказиш, жиноят ишлари материалларини ўрганиш ва бошқа методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ифодаланади:

одам савдоси инсоннинг озодлиги ва эркинлигига доир ҳуқуқларини поймол қиладиган, жабрдийдаларнинг саломатлигига ва мамлакат генофондига жиддий таҳдид соладиган, тазйиқ ва зўравонликка асосланган, салбий ижтимоий хулқ-атворнинг кенг тарқалишига сабаб бўладиган ижтимоий хавфли қилмиш эканлиги асослантирилган;

одам савдоси жиноятларини тергов қилишда жабрланувчиларнинг ёлланган жойи, вақти, уларни ёллаган шахслар, уларнинг танишлик даражаси, уларга таклиф этилган иш ёки хизматнинг, Ўзбекистондан чиқиш учун танланган транспорт воситасининг тури, чегарадан ўтиш жойи ва усулининг қонуний ёки ноқонунийлиги, хорижий давлатда амалга оширилган ҳаракатлар, эксплуатациянинг тури, муддати, усул ва хусусиятлари, Ўзбекистонга қайтиш йўли, воситаси ва ҳолатларини исботлаш кераклиги асослаб берилган;

одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифини шакллантиришда унинг таркибига жабрдийдаларни аниқлаш, ёллаш, жиноятнинг содир этилиш шароитлари, вақти, жойи, бунда қўлланилган усуллар, тажовуз объекти, жиноий гуруҳнинг тури ва шакли, иштирокчилар сони, шунингдек жиноятчиларнинг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, жабрдийда ҳақидаги маълумотларни киритиш лозимлиги асослантирилган;

уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган одам савдоси жиноятларини тергов қилишда ушбу гуруҳлар таркибида иштирокчиларнинг

тутган ўрни, роли, мазкур жиноятларни содир этишда ёллаш, ташиш, топшириш ва эксплуатация қилиш босқичларининг вақти, жойи ва усули, жиноий гуруҳ аъзолари орасида вазифаларнинг тақсимланиши ҳамда гуруҳ аъзолари ҳар бирининг жиноий фаолиятини исботлаш тартиби ва ўзига хос усулларини қўллаш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда криминалистик тавсифнинг элементларига асосланиш зарурлиги исботланган. Одам савдосига оид ариза ва хабарлар бўйича терговга қадар текширув ўтказишнинг ўзига хослиги ва ушбу жиноятнинг бошқа жиноятлардан фарқланиши асосланган.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда далилларни аниқлаш, қайд этиш ва тўплаш мақсадида тергов ҳаракатлари ўтказиш тактикасининг янги усуллари таклиф этилган. Одам савдоси жиноятларини тергов қилишда сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш ва экспертиза имкониятларидан фойдаланиш тактикасининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар берилган.

Одам савдосига қарши курашнинг криминалистик жиҳатларини тадқиқ этиш асосида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговга қадар текширувни ташкил қилиш, бирламчи ва кейинги тергов ҳаракатларини ўтказиш, одам савдоси жиноятларини содир этган шахсларни экстрадиция қилишни такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Одам савдосига қарши кураш бўйича мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш йўналишлари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари соҳага доир қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал ҳуқуқ ва криминалистиканинг умумэътироф этилган қоидалари ҳамда бошқа ишончли манбаларга асосланган.

Тадқиқот натижаларига таяниб ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар қонунчилик ва суд-тергов амалиёти, жиноят-процессуал ҳуқуқ ва криминалистика назариясидаги концептуал муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган, натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Диссертациянинг эмпирик асосини Ўзбекистонда одам савдоси жиноятлари бўйича тергов қилинган 300 та жиноят ишини ўрганиш, ички ишлар органларининг 450 нафар терговчилари ва 73 нафар тергов бўлимлари бошлиқлари ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари ҳамда 2008–2018 йиллардаги одам савдосига қарши кураш амалиётига оид статистик маълумотлар ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишни

тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, дастлабки тергов, жиноят-процессуал ҳуқуқ ва криминалистика фанларини назарий жиҳатдан янада бойитишда, янги илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг *амалий аҳамияти* уларнинг суд-тергов амалиётида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи нормаларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишига, шунингдек ушбу жиноятларга қарши курашиш субъектларининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилишида фойдаланилиши мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Одам савдосини тергов қилинишини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган:

«одам савдоси» тушунчасининг жиноят-ҳуқуқий тавсифини очиб бериш ҳамда одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини белгилаш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг 3, 17-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 13 декабрдаги 06/1-05/250-ж-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши одам савдоси жиноятларига қарши курашувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

одамни олиш-сотиш ёхуд ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш қилмишлари учун жавобгарлик белгилаш тўғрисидаги таклифлар «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги (2008 йил 16 сентябрь ЎРҚ-179-сон) Ўзбекистон Республикаси қонунини тайёрлашда, шунингдек ЖК 135-моддасининг янги таҳририни шакллантиришда инобатга олинган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 13 декабрдаги 06/1-05/250-ж-сон маълумотномаси*). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахслар учун жавобгарлик муқаррарлигининг таъминланишини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жабрланувчиларни аниқлаш, ёллаш ва жиноятни содир этиш ҳамда жиноят содир этилиши шароитлари, вақти, жойи, қўлланилган усуллар, тажовуз объекти, жиноий гуруҳнинг тури ва шакли, иштирокчилар сони, шунингдек жиноятчиларнинг шахсини тавсифловчи ҳолатларни аниқлаш, одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда тактик усулларни қўллаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоравий-норматив ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов*

департаментининг 2018 йил 30 ноябрдаги 18/41-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш методикасининг такомиллаштирилишига ҳамда тергов органлари фаолиятининг самарадорлиги ошишига хизмат қилган;

одам савдоси жиноятларини содир этувчи уюшган жиноий гуруҳларнинг тузилиши, улар томонидан жиноятларни содир этиш босқичлари ҳамда жиноий гуруҳ аъзолари орасида вазифаларнинг тақсимланиш механизмини аниқлаш ва уларнинг фаолиятини исботлаш йўналишлари бўйича берилган таклифлардан «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон) Ўзбекистон Республикаси қонунини тайёрлашда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 13 декабрдаги 06/1-05/250-ж-сон маълумотномаси*). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларни жиноят ишига айбланувчи тариқасида жалб этиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда уларнинг айбини исботлашнинг самарадорлигини оширилишига хизмат қилган.

Шунингдек, тадқиқот натижалари ИИВ Академиясининг ўқув жараёнига татбиқ этилган (*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2015 йил 21 майдаги 38/31-133-сон маълумотномаси*).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3та халқаро, 12та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуи бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 6 та илмий мақола (улардан 3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Одам савдосига қарши курашнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари»** номли биринчи бобида одам савдосига қарши курашнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари ўрганилган, одам савдоси

жиноятларининг криминалистик тавсифи берилган, юридик таҳлили амалга оширилган ҳамда одам савдоси жиноятларига қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил қилинган. Мазкур бобда ўтказилган илмий-амалий таҳлил асосида одам савдосининг пайдо бўлиши ва кенг миқёсда ривожланиши бир-икки сабабнинг эмас, балки дунёда рўй бераётган салбий жараёнларнинг маҳсули эканлиги ҳақида хулоса чиқарилган.

Одам савдосининг ижтимоий хавфлилиги, ушбу ҳодисанинг вужудга келиши ва кенг тарқалишининг сабаблари яққол кўриниб тургани ҳамда муаммонинг долзарблиги унга қарши кураш механизмининг нафақат халқаро миқёсдаги, балки ҳар бир давлат учун самарали бўлган алоҳида тизимини яратиш зарурлигидан далолат беради.

Муаллиф одам савдоси мажбурий меҳнат, қуллик, фоҳишабозлик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш каби шаклларда намоён бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Диссертацияда жинсий эксплуатация объекти сифатида аёллар ва болалар савдоси, мажбурий меҳнат объекти сифатида одам савдоси, одамнинг аъзоларини ажратиб олиш (трансплантация) мақсадида амалга ошириладиган одам савдоси ушбу жиноятнинг асосий ва энг хавфли шакллари сифатида ажратиб кўрсатилган.

Диссертантнинг фикрича, «одам савдоси эксплуатация мақсадида содир этилади», бунда айбдор шахс инсонни эксплуатация қилиш мақсадида олиш-сотиш ёки ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш каби жиноий ҳаракатларни амалга ошираётганлигини англайди ва буни истайди.

Тадқиқотчи одам савдосига берилган таъриф ва тавсифларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги муаллифлик таърифини ишлаб чиққан: «*Одам савдоси инсоннинг озодлиги ва эркинлигига доир ҳуқуқларини поймол қиладиган, жабрдийдаларнинг саломатлигига ва муайян мамлакат генофондига жиддий таҳдид соладиган, тазйиқ ва зўравонликка асосланган, салбий ижтимоий хулқ-атворнинг кенг тарқалишига сабаб бўладиган ижтимоий хавфли қилмиш».*

Ушбу жиноятнинг бўлғуси жабрланувчиларини қизиқтирувчи («қармоққа илинтирувчи») таклифлар газеталардаги чет элда ишлаш ёки ўқишга доир эълонлар, интернет, норасмий тармоқлар, яқин танишлар ёки қариндошлар, махсус агентлар (профессионал одам ёлловчилар), ноқонуний сайёҳлик фирмалари, чет элда ишлаш ёки ўқишга юборувчи агентликлар, танишув хизматлари, сохта никоҳ тузиш орқали берилиши мумкин.

Одам савдоси жиноятларини содир этувчи шахслар жабрланувчиларга қўллайдиган мажбурлаш, жиноий таъсир этиш усуллари қуйидаги гуруҳларга бўлинган: жабрланувчини қўрқитиш, мажбурлаш, унга нисбатан зўрлик ишлатиш; гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилдириш; жабрланувчиларни ёлловчига сунъий равишда тобе қилиб қўядиган ва хорижга кетишга мажбур қиладиган турли алдов усулларини қўллаш; яқинларига зарар етказиш билан қўрқитиш; уриш-дўппослаш; қийноққа солиш; қарздор аҳволга солиб қўйиш; руҳий тазйиқ ўтказиш.

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жабрланувчиларнинг бўйсунишини таъминлаш учун турли усул ва механизмларни қўллайдилар. Уларнинг мисоллари сифатида жабрланувчиларнинг йўл ва шахсий

ҳужжатларини тортиб олиш ва бермаслик, уларни бошқа шахслар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик, фоҳишахоналар, махфий хонадонлар ва қул сифатида ишлатилаётган жойларига яшириб қўйиш, доимий назорат қилиш, жабрланувчилар ўртасида ўзаро алоқалар пайдо бўлишининг ёки улар одам савдоси фаолияти тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлишларининг олдини олиш мақсадида манзил ва ишчиларни ўзгартириб туриш, уларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ёрдамини кутишдан қўрқув ҳиссини сингдириш, уларга ёки уларнинг яқинларига жисмоний ёки жинсий зўрлик қўллаш билан таҳдид қилиш кабиларни келтириш мумкин.

Одам савдоси ёки эксплуатация қилиш учун жалб қилиш бир неча босқичда амалга оширилади: жабрланувчини топиш, жалб қилиш, ёллаш; транзит йўллар билан (давлатлараро чегаралар орқали) ташиш; давлат ҳудудидан ўтказиш, сотиб олувчига топшириш, маълум вақтгача яшириш ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиш; эксплуатация қилиш (даромад олиш учун одамнинг жисмоний кучи ва шаҳвоний хизматларидан ноқонуний фойдаланиш).

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахс – мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этадиган, ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра одам савдосига тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам, тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган шахс.

Муаллиф одам савдосига қарши курашиш бўйича мавжуд халқаро ҳужжатларни уч тоифага – универсал, минтақавий ва икки томонлама қабул қилинган ҳужжатларга ажратиб таснифлаган.

Иккинчи боб «**Одам савдоси жиноятларини тергов қилиш методикаси»** деб номланиб, унда одам савдоси тўғрисидаги ариза ва хабарлар бўйича терговга қадар текширувни ўтказиш ва жиноят иши қўзғатишнинг хусусиятлари ўрганилган, одам савдоси жиноятлари тўғрисидаги жиноят ишлари бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилган, тергов тусмолларини ишлаб чиқиш ва дастлабки тергов йўналишларини белгилаш масалалари таҳлил қилинган ҳамда одам савдоси жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки ва келгуси тергов ҳаракатларини ўтказишда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар келтирилган.

Бу тоифадаги жиноятлар юзасидан берилган ариза ва хабарлар бўйича ўтказиладиган терговга қадар текширув давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тегишли процессуал қарорлар қабул қилишига асос бўладиган маълумотларни аниқлаш учун суриштирув ва дастлабки тергов органларининг мансабдор шахслар ҳал этишлари лозим бўлган масалалар доирасини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ деб топилган.

Диссертантнинг фикрича, одам савдоси жинояти бўйича терговга қадар текширув уч хил тергов вазияти бўйича амалга оширилади:

шахснинг номаълум сабабларга кўра, қўққисдан йўқолиб қолганлиги тўғрисида унинг яқин қариндошлари, танишлари, ҳамкасблари ёки бошқа

манфаатдор шахслар берган аризаларни текшириш жараёнида;

ЖКнинг 135-моддасида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд бўлган қилмиш ҳақида жабрланувчи, унинг яқин қариндошлари, танишлари ва бошқа шахсларнинг аризаларини текшириш вақтида;

ушбу жиноятларни содир этишга тайёргарлик кўрилгани ёки унинг содир этилгани тўғрисида тезкор-қидирув йўли билан олинган маълумотлар текширилаётганда ўтказилади.

Муаллиф одам савдоси жабрдийдаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун терговга қадар текширув давридаёқ уларнинг жабрланувчи сифатидаги процессуал мақомини махсус қарор чиқариш орқали белгилаш, жабрланувчи ҳуқуқларидан фойдаланиш имконини бериш, уларни сўроқ қилинишига рухсат этиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган.

Тадқиқотчи одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар аксарият ҳолларда уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилишини ҳисобга олиб, уларнинг қуйидаги асосий белгиларини ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ таркибининг барқарорлиги;

жиноий гуруҳ аъзолари орасида яқин алоқалар мавжудлиги;

вазифаларнинг жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида уларнинг феъл-атвори ва кўникмаларидан келиб чиққан ҳолда тақсимланиши;

барча жиноий фаолият ва унинг таркибидаги айрим ҳаракатларнинг пухта режалаштирилиши;

жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳаммаси муайян жиноий мақсадга эришиш учун мақсадга мувофиқ тарзда, келишилган ҳолда фаолият юритиши.

Жиноий гуруҳ иштирокчилари (бажарувчилар) қуйидагича таснифланди:

а) *ёлловчи* – «реклама» қилувчи ва жабрдийда билан гаплашиб, шартлашадиган шахс;

б) *ташувчи* – жабрдийданинг чегарадан ўтиши ёки хорижга чиқиб кетишини таъминлайдиган шахс;

в) *сотувчи* - жабрдийдани белгиланган давлатда кутиб оладиган ва сотадиган шахс;

г) *эксплуататор* - жабрланувчини сотиб олувчи ва эксплуатация қилувчи шахс.

Одам савдоси жиноятларининг юқорида келтирилган хусусиятларидан келиб чиқиб, бу турдаги ишлар бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни жабрланувчига оид, жиноят ҳодисасига доир ҳамда жиноятга алоқадор шахслар ҳақидаги ҳолатларга ажратиш мумкин.

Жиноят ишлари бўйича терговнинг дастлабки босқичида бажарилиши лозим бўлган тергов ва процессуал ҳаракатларнинг қуйидаги йўналишлари белгилаб олиниши мақсадга мувофиқ:

гумон қилинувчиларни жабрдийдаларни ёллаш, ташиш, яшириш, ўтказиш, сотиш ёки эксплуатация қилиш устида ушлаш;

жабрланувчиларни ёллаш, сақлаш, яшириш ва эксплуатация қилиш жойларини, улар ташилган транспорт воситаларини кўздан кечириш;

жабрланувчиларни гувоҳлантиришдан ўтказиш;

терговга маълум бўлмаган жабрланувчиларни, бу ҳақда хабардор бўлган гувоҳларни аниқлаш ва сўроқ қилиш;

қўлга олинган жиноий гуруҳ аъзоларини сўроқ қилиш натижаларига кўра жиноий алоқаларини ошкор қилиш, янги ёлланган шахслар учун тўловларни амалга ошириш жойи ва усулини фош этиш, одам савдоси жабрдийдалари яширилаётган жойларни аниқлаш мақсадида жиноий гуруҳнинг бошқа аъзоларини телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, алоқалари ва хатти-ҳаракатларини кузатиш;

одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилиши мумкин бўлган жой сифатида тахмин қилинаётган ҳудудларда тинтув ва олиб қўйиш ҳаракатларини ўтказиш;

илгари олинган ва янги намуналар бўйича экспертизалар тайинлаш ҳамда ўтказиш;

нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш, жабрланувчиларнинг ижтимоий реабилитациясида ёрдам бериш, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Одам савдоси ҳақидаги жиноят ишларини тергов қилишда кўздан кечириш, гумон қилинувчиларни ушлаш, сўроқ қилиш, юзлаштириш, тинтув ва олиб қўйиш ҳаракатларини амалга ошириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган.

«**Одам савдосини тергов қилишнинг самарадорлигини ошириш йўллари»** номли учинчи бобда терговчининг одам савдосини тергов қилиш юзасидан хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлиги ҳамда одам савдоси жиноятларининг профилактикасини такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган.

Муаллифнинг фикрича, одам савдоси жиноятларини тергов қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида дастлабки тергов ҳаракатлари давомида далилларни йиғиш учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тадбирларига мурожаат қилиш зарур. Ҳуқуқий ёрдам ҳақида сўровнома юбориш тартиби жиноят-процессуал қонунчилик асосида, айрим ҳолларда эса ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича давлатлараро икки томонлама ёки кўп томонлама шартномаларга таянган ҳолда белгиланади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон бу борадаги қатор икки томонлама, минтақавий ва универсал халқаро ҳужжатларга қўшилган. Жумладан, бундай шартномалар Россия Федерацияси (1995 йил 27 июль), Украина (1995 йил 20 июнь), Грузия (1995 йил 4 сентябрь), Қозоғистон (1998 йил 30 октябрь), Чехия (1998 йил 17 июнь), Болгария (1999 йил 7 май), Молдова (2000 йил 19 декабрь), Италия (2000 йил 21 ноябрь), Австрия (2001 йил 2 ноябрь), Литва (2002 йил 18 февраль) ва бошқа давлатлар билан имзоланган.

Мазкур тоифадаги жиноятлардан жабр кўрган фуқароларни соғлом ҳаёт тарзига қайтариш учун уларга ҳар томонлама ёрдам беришни ташкил этиш, бу борада маънавий ва маърифий тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда одам

савдоси жиноятини содир этган ҳар бир айбланувчининг шахсини телевидение ва радио орқали кенг оммага етказиб, бундай жиноятларнинг олдини олиш учун кенг қамровли умумий ва махсус профилактика ишларини амалга ошириш зарур.

Тергов жараёнида туристик фирмалар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар аниқланганида уларни лицензиядан маҳрум қилиш ҳақида тақдимномалар киритиш керак.

Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишда қуйидагиларни: ушбу турдаги жиноятлар кўп содир этилаётган туман ва шаҳарларда жиноят жабрдийдаларини, шу жумладан, фоҳишалик билан шуғулланаётган ёки шу мақсадда бошқа давлатга бориш истагида бўлган аёлларни аниқлаш; одам савдосидан жабрланган аёллар, эркаклар, вояга етмаганлар ва болаларнинг ҳар бири тўғрисида маълумотлар йиғиш, шунингдек одамларни ёллашнинг хусусияти ва кўлами, одам савдосининг олдини олиш бўйича самарали, аниқ мақсадли чоралар ишлаб чиқиш учун одам савдоси ва эксплуатациясининг уюшган жиноий гуруҳлар томонидан фойдаланиб келинаётган механизмларини аниқлашга қаратилган таҳлилий фаолиятни такомиллаштириш чораларини кўриш; бу турдаги жиноятларга қарши кураш самарадорлигини ошириш, ушбу мақсадда мамлакатимиздан чет давлатларга бориб, фоҳишалик, қўшмачилик билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш усуллари, тамомланган ҳар бир жиноят иши бўйича жиноятнинг сабаблари ва келиб чиқишига имкон яратган шарт-шароитларни таҳлил қилиб бориш; одам савдоси жиноятининг сабабларидан энг асосийси бўлган шахсларни алдаш орқали ёллаш ҳолатларини аниқлаш; айбланувчилар ва жабрланувчилар фаолият кўрсатган меҳнат жамоаларида, улар яшаган маҳаллаларда профилактика мақсадида (жинсий эксплуатацияга учраган жабрланувчилар иштирокисиз) йиғилишлар ўтказиш, содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва оқибатлари фуқароларга узлуксиз етказиб турилишини таъминлаш ва чет элга чиқиш визаси қайта расмийлаштирилаётганида чет давлатлардан чиқариб юборилган (депортация қилинган) аёллар фамилиясининг ўзгартириш сабабларини чуқур ўрганиш ҳамда одам савдоси жиноятларининг олдини олиш борасидаги халқаро тажрибани ўрганиб, умумлаштирган ҳолда амалиётга жорий этиш лозим.

Диссертациянинг **хулоса** қисмида асосий илмий натижалар (хулоса, таклиф ва тавсиялар) келтирилган.

ХУЛОСА

Одам савдоси жиноятларини тергов қилишни такомиллаштиришга бағишланган диссертация тадқиқоти натижасида назарий хулосалар шакллантирилди, қонунчиликни такомиллаштириш ва, уни қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Одам савдосини тергов қилишга доир назарий билимларни бойитишга қаратилган хулоса ва тавсиялар:

1. Одам савдосига қарши кураш юзасидан қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий қонунчилик нормалари ва юридик адабиётларда

берилган тушунчаларни таҳлил қилиш натижасида «одам савдоси» тушунчасига: «*Одам савдоси инсоннинг озодлиги ва эркинлигига доир ҳуқуқларини поймол қиладиган, жабрдийдаларнинг саломатлигига ва муайян мамлакат генофондига жиддий таҳдид соладиган, тазйиқ ва зўравонликка асосланган, салбий ижтимоий хулқ-атворнинг кенг тарқалишига сабаб бўладиган ижтимоий хавфли қилмиш»*, деган таъриф берилди.

2. Одам савдосининг пайдо бўлиши ва кенг миқёсда ривожланиши бир-икки сабабнинг эмас, балки дунёда рўй бераётган салбий жараёнларнинг маҳсули эканлиги аниқланди ва унга қарши кураш механизмининг нафақат халқаро миқёсдаги, балки ҳар бир давлат учун самарали бўлган алоҳида тизими яратилиши зарурлиги асослантирилди.

3. Одам савдосининг жинсий эксплуатация объекти сифатида аёллар ва болалар савдоси, мажбурий меҳнат, қуллик, фоҳишабозлик, мажбурий донорлик (трансплантация), ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш каби шакллари таснифланди.

